• *Ғалла мустақиллиги йўлида*

# «ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА, ЮКИНГ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ», ДЕЙИШАДИ. АММО...

## Карвондан ортда қолмаган маъқул

***Ёдингизда бўлса, ўрим мавсуми бошланган дастлабки кунларда ғалла ҳосилини 20-25 иш кунида йиғиштириб олиш режалаштирилган эди. Бугун ўрим-йиғим бошланганига ҳам бир ойдан ошиб қолди. Афсуски, ҳали ўроқчилар далани тарк этишганича йўқ. Нега?..***

Саволга ойдинлик киритишдан олдин бир муддат ўтган йилги ғалла ўрим-йиғими мавсумини кўз олдимизга келтирайлик. 1994 йилги ғалла ўримида Қашқадарё вилоятида 404 та, Самарқандда 180 та, Сурхондарёда 163 та, Жиззахда 188 та комбайн умуман қатнашмаган. Масалага янада ойдинлик киритадиган бўлсак, жами 935 комбайн техник жиҳатдан носоз деб топилган. Ажабланманг, саклам мингта комбайнни ўримга жалб этишнинг имкони бўлмаган. Шу боис ҳам ушбу вилоятларда ўрим мавсуми кўзда тутилганидан 1,5-2 ойга кечикиб кетганди.

Бу йилги мавсум ҳам чўзилаётган экан, демак, ўтган йилги панд берган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарилмабди-да!

Афсуски, шундай. Бу йилги мавсумнинг чўзилиб бораётганига ҳам худди ана шу муаммолар сабаб бўлаяпти. Рақамларга мурожаат этамиз: мамлакатимизда 7843 та ўрим комбайни мавжуд. Яна бу йил мингдан ортиқ янги ўрим машиналари сотиб олинди. Хўш, ўрим-йиғимда мавжуд техникалар тўла қувват билан ишлатилаяптими?

Қишлоқ хўжалик вазирлигидан олинган маълумотга кўра, республика ғалла майдонларида 30 июнь куни 5774 комбайн ишлатилган. 2069 та комбайн ҳар хил сабаблар билан бекор туриб қолган. Агар бу рақамни вилоятлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, Сурхондарёда 662 тадан 333 та, Қашқадарёда 1914 тадан 1238 та, Навоийда 209 тадан 67 та, Самарқандда 1085 тадан 908 та комбайн ўримда қатнашган, холос. Тўғри, шу кунларда баъзи вилоятларда ёғингарчилик бўлиб ўтди. Бу комбайнларнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Лекин бизни ажаблантирадиган яна бир ҳолат борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Комбайнларнинг бекор туриб қолиши сабаблари хусусида Қишлоқ хўжалик вазирлиги берган 1995 йил 29 июндаги маълумотномада қуйидагилар қайд этилган:

«Кучли шамол туриб, буғдой пояларини ётқизиб ташлаганлиги ва ёмғир ёғиши муносабати билан 2064 комбайн ўримда қатнашмади. Оддий тасма йўқлиги сабабли эса 195 та комбайн бекор туриб қолди. Дала бошида эса, 543 та комбайн техник носозлиги туфайли тўхтаб қолди. Улардан 126 тасида мотор носозлиги қайд этилиб, 88 тасининг труба компрессори ишдан чиқди. 41 тасида радиатор яроқсиз топилди. 257 комбайнда эса ҳар хил техник носозликлар қайд этилди». (Таҳрир бизники — Ш.М).

Биз тегишли соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб, бу борадаги ҳолат туманларда қандайлиги билан қизиққанимизда бу ерларда аҳвол янада ачинарлироқ эканлигининг шоҳиди бўлдик.

Биргина 29 июнь куни Қоракўл туманида 42 та ўрим комбайнидан 25 таси, Шофирконда худди шунча комбайндан 27 таси, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида 42 тадан 21 таси, Шерободда 52 тадан 40 таси, Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида 44 тадан борйўғи 6 таси, Навоий туманида 29 тадан 10 таси ишлатилган, холос. Қолган ўрим машиналари ҳар хил сабабларга кўра бекор туриб қолган.

Эҳтимол, бу йилги мавсумга пухта тайёргарлик кўрилганда масъул раҳбарлар кеч кузакдан то эрта баҳоргача инъом этилган олти ойлик имкониятдан оқилона фойдаланиб, техника қаровини кўнгилдагидек ўтказишганида, бугунгидек ўнлаб комбайн «депсиниб» турмасмиди? Тасма йўқлиги, мотор носозлиги, комбайнларнинг кунлик иш унуми ниҳоятда пастлиги — булар ўтган йилги ҳолатни эслатмаяптими?!

Тажрибали механик-ҳайдовчилардан бир гапни жуда кўп эшитганман: «Техника ҳам тарбияни, ўзига эътиборни ёқтиради», дейишади улар. Бу гапда жон бор.

1994 йил декабрь, шу йил февраль ойларида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» саҳифаларида жойлардаги техника қарови ёмон аҳволда эканлиги, комбайнлар қорёмғир остида занг босиб ётганлиги кўп маротаба танқид қилинган эди. Лекин, афсуски, бугунги аҳвол жойлардаги ҳокимликлар, хўжалик ва ташкилот раҳбарларининг танқиддан тўғри хулоса чиқармаганликларини исботлаб турибди.

Ўрим-йиғим мавсумининг чўзилиб кетаётганига яна бир сабаб, мавжуд комбайнлар иш унумининг ниҳоятда пастлигидир. Бухоро, Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида бир кунда ҳар бир комбайн билан ўртача 3,5-4 гектар майдондаги ҳосил ўриб олинаяпти, холос. Ваҳоланки, мутахассисларнинг фикрича, ҳар бир комбайнда кунига 6-7 гектар ғалла ўриш мумкин. Айнан ана шу масъулиятсизлик, боқибеғамлик туфайли 1994 йилда анча-мунча ҳосил бой берилган эди. Бугунги кунда бу ҳолатнинг такрорланиши уят. Ахир, ғалла ҳосилининг ҳаммаси эндиликда ўз юртимиз, ўз дастурхонимиз учунку?!

Юртбошимиз ва ҳукуматимиз ғалла мустақиллигига эришиш йўлида бекорга жон куйдираётгани йўқ. Чунки ғалла ўз нонимиз. У иқтисодимизни барқарорлаштирувчи воситадир. Бугун ўзлигини билган, ўз юртини севган ҳар бир киши қўлидан келганича шу мустақилликка эришиш йўлида фидойи бўлмоғи лозим.

Бугунгача мамлакатимизда жами 161,4 минг гектарга такрорий экинлар экилди. Жумладан, 97,9 минг гектарга дон ва силос учун маккажўхори, 5,7 минг гектарга сабзавот экинлари, 3,06 минг гектарга картошка уруғи қадалди. Режага кўра, бу йил жами 700 минг гектар майдонда такрорий экинлардан юқори ҳосил олиш кўзда тутилган.

Бир кун бўлса-да, саратон тафтидан баҳраманд бўлган экин ҳосили чўғини, кузакда хирмон кўтарган деҳқонлар яхши билишади. Бугун экилаётган сабзавот, полиз экинлари, сут ва гўшт мўл-кўлчилигини таъминловчи озуқа экинларидан қандай ҳосил олиш ғалла ўрими мавсумини нечоғлик тез туғаллашга, қолаверса, ўз саъй-ҳаракатимизга боғлиқ.

«Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди», деган нақл бор. Фарғона ва Андижондан йўлга чиққан ҳашар карвонлари дарагини эшитиб, бу гаплар нечоғлик топиб айтилганлигини кўнгилдан ўтказсак-да, ғаллазорларда етиштирилган ҳосил тақдиридан таскин топиш қийин. Ўрим-йиғимни барча чора-тадбирлар билан кучайтириш оддий деҳқондан тортиб ҳар бир қишлоқ хўжалик ходимининг ҳам виждоний ишидир.

**Шодиёр**
**МУТАҲҲАРХОН ўғли,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«ЎЗКООПТАШҚИСАВДО»**

Тошкент экспорт-импорт базасидан пул ўтказиш йўли билан хорижий мамлакатлардан келтирилган қуйидаги молларни

**СОТАДИ:**

❶ ***Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун:***
◆ *Қора мурч (думалоқ).*
◆ *Мускат ёнғоғи.*
◆ *Гвоздики (ширинлик тури).*
◆ *Агар-агар (ширинлик тури).*
◆ *Ванилин (ширинлик тури).*
◆ *Пектинг (ширинлик тури).*
◆ *Ароматли эффенция (ширинлик тури).*
◆ *Тухум кукуни.*
❶ ***Колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун:***
◆ *45 мм. ва 50 мм. ҳажмли колбаса қопламаси (белкозин оболочкаси).*
◆ *Колбаса аралашмаси.*

Маҳсулотлар улгуржи баҳода ва келишилган нархларда сотилади.

***Бизнинг манзил:*** *Тошкент шаҳри, Жомий кўчаси, 5-уй.*

***Мурожаат учун телефонлар:***
*48-39-67, 48-64-55.*

**Альбэллон фирмаси**

уйлар, дўконлар, офислар қуриб беради. Юқори сифатли пардозлаш, кафел, мармар қоплаш ишларини бажаради. Сантехника ва иситиш тизимини монтаж қилади. Дурадгорлик моллари, металл эшиклар, безакли решеткалар, тўсиқлар, металлоконструкциялар, сейфлар тайёрлайди. Объектларни беками-кўст битказиб бериш имкони бор.

***Сотамиз:*** *❋ БК кондиционерлари;*
*❋ параболик антенналар;*
*❋ арматура;*
*❋ ғишт;*
*❋ мармар;*
*❋ пўлаттахлама;*
*❋ безакли решетка танавори 3х20х200 мм «Рабица» тўрлари.*

Тел.:90-04-73 соат 9.00 дан — 16.00 гача
45-55-28 соат 18.00 дан — 21.00 гача.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОШКЕНТ ҲИСОБ-КРЕДИТ ТЕХНИКУМИ**
**қуйидаги ихтисосликлар бўйича**
**КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- *банк операциялари бўйича ўрта бўғин бухгалтерлари;*
- *банк фаолиятини иқтисодий таҳлил этиш бўйича ўрта бўғин иқтисодчилари;*
- *банк касса операциялари бўйича кассирлар. кассир-операторлар.*

**ЎҚИШГА 11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

***Кирувчилар:***
*11-синф ҳажмидаги математика, она тили ва адабиёт фанларидан тест синовлари асосида қабул қилинадилар.*

**ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:**

*директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), (086-у) андозадаги тиббий маълумотнома, 3х4 см.катталикдаги 6та фотосурат, меҳнат дафтарчаси ёки колхозчи дафтарчасининг маъмурият томонидан тасдиқланган кўчирмаси ёки иш жойидан маълумотнома (амалий меҳнат фаолиятига эга бўлганлар ва сиртқи бўлимга кираётганлар учун), Банк муассасасидан йўлланма. Паспорт, ҳарбий билет ёки қайд этилганлик гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.*

**АРИЗАЛАР 25 ИЮНДАН 20 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

***Банк коллежи маскани:***
*Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Усмон Юсупов кўча, 1-уй (собиқ Калинин тумани маркази, 50-ҳунар техника билим юрти), 69, 153-автобуслар.*

# TV ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР TV

## СЕШАНБА, 11

**ЎзТВ I**
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Ўлан". Бадиий фильм.
9.35 Немис тили.
10.05 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
10.40 "Абитуриент-95". Физика.
11.10 Болалар учун. "Ёзимиз — соз ўтмоқда".
11.40 — 13.40 "Умидлар йили". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Қўнғироқча".
18.40 "Солиқ".
19.00 "Тафаккур ёлқинлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Истиқлол адабиёти".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Инсон, жамият, қонун".
22.05 "Эъзоздаги қўшиқлар".
22.50 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 7-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**
***"ОМАД" таништиради:***
18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Табиат дунёси".
19.50 Янгиликлар.
19.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 Видеогид.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.40 — 00.20 "Кинонигоҳ".

**ЎзТВ III**
6.30—8.00 "Телетонг".
* * *
***17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.***
*
***РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ***
20.45 Жаҳон операси намояндалари. Ж. Верди. "Аида".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 — 23.50 Жаҳон операси намояндалари. Ж. Верди. "Аида" (давоми).

**ЎзТВ IV**
***ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мулькарусель".
18.55 "Гўзаллик бунёдкорлари".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Соккер-клуб".
21.45 — 21.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

## ЧОРШАНБА, 12

**ЎзТВ I**
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Тоғдаги ғор сирлари". Бадиий фильм.
9.15 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
9.55 "Абитуриент-95". Математика.
10.25 Шифокор экрани.
10.55 Чолғу куйларидан концерт.
11.25 — 13.25 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Суянч".
18.40 "Тараққиёт".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Бухоро вилояти.
22.10 Ўзбек Давлат филармонияси "Лазги" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
22.55 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 8-қисм.
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**
***"Тошкент" студияси таништиради:***
18.30 "Акс-садо".
19.00 "Бумеранг". Экология ҳақида.
19.30 "Тошкент оқшомида".
20.30 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув.
21.15 — 22.55 "Кинематограф".

**ЎзТВ III**
6.30—8.00 "Телетонг".
* * *
***17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.***
*
***РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ***
20.50 Мини-футбол.
21.00 "Давр дарёси".
21.10 "Адабиётларни излаб".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35—23.30 Тунги телесериал. "Океан". Бадиий фильм. 2-серия. 2-қисм.

**ЎзТВ IV**
***ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мулькарусель".
18.55 "Тадбиркорлик мактаби".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
*
***"ОМАД" таништиради:***
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 — 23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

## ПАЙШАНБА, 13

**ЎзТВ I**
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Бировнинг хати". Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
10.30 "Ҳаёт сўқмоқлари". Кинодастур.
11.10 "Ишбилармон".
11.40 — 13.40 "Ёшлик" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.15 Болалар учун. "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Жаҳон жанговар санъатлари".
22.00 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси (Ҳиндистон). 9-қисм.
22.30 "Актёрлар ва роллар". Ғайбулла Ҳожиев.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**
***"ОМАД" таништиради:***
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Янгиликлар.
19.25 Видео янгиликлари.
19.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.20 — 23.00 "Кинонигоҳ".

**ЎзТВ III**
6.30—8.00 "Телетонг".
* * *
***17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.***
*
***РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ***
20.45 Телефильм.
20.55 Фавқулодда канал.
21.45 "Давр дарёси".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35—22.50 Жойлардан репортаж.

**ЎзТВ IV**
***ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мулькарусель".
19.00 "Тушимизга кийиклар киради". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Замандас" (қозоқ тилида).
21.35 — 22.15 "Салом, Франция!".

## ЖУМА, 14

**ЎзТВ I**
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Осмондан тушган беш ўғлон". Бадиий фильм.
9.30 Немис тили.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки..."
10.40 "Вазият".
11.10 "Китоб ва ҳаёт".
11.40 "Маърифат маскани".
12.10 — 12.55 "Дўстлик риштатлари".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида".
18.50 "Сиҳат-саломатлик".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мушоҳада учун мавзу".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мен туғилган тупроқ".
21.50 "Назм ва наво". Ҳазиний лирикаси.
22.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. "Тасодифий қотил". Бадиий фильм.
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**
***"Тошкент" студияси таништиради:***
18.30 "Билиб қўйган яхши".
18.55 "Самарали изланишлар".
19.25 "02" тўлқинида.
19.50 "Ибратли умр".
20.00 "Бизнес-академия".
20.25 "Излаган имкон топади".
21.00 — 22.30 "Йўқолган гувоҳ". Бадиий фильм.

**ЎзТВ III**
6.30—8.00 "Телетонг".
* * *
***17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.***
*
***РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ***
20.45 "Қотил бунинг ўзи..." Бадиий фильм.
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.40—00.20 Экранда премьера. "Қора сувлар устидан". Бадиий фильм.

**ЎзТВ IV**
***ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мулькарусель".
18.55 "Ҳаракатда баракат".
19.15 "Байрамали". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
*
***ОМАД" таништиради:***
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Автоклуб".
21.25 Машҳур кишилар клуби. М. Матье.
22.05 Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

## ШАНБА, 15

**ЎзТВ I**
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви
*
8.00 "Уйимизга шер келди". Бадиий фильм.
9.05 "Цирк! Цирк! Цирк!"
9.50 Тавфиқ ал-Ҳаким. "Изҳор". Теленовелла.
10.30 "Кино таҳририяти" почтасидан.
11.15 "Хотира". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Матниёз Юсупов.
12.15 — 14.15 "Маънавият" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 "Сирли сандиқ". Телеўйин.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Кўнгил изҳори". Аҳмаджон Шукуров куйлайди.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мактуб — кўнгил ойнаси".
22.10 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ артисти Миршоҳид Мироқилов.
23.10 Эълонлар.
23.15 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.25 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

**ЎзТВ II**
***"ОМАД" таништиради:***
9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 Янгиликлар.
10.25 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.00 Видеогид.
12.20 "Теле-ателье-шоу".
12.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.55 "Кинонигоҳ".
14.35 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
*
***"Тошкент" студияси таништиради:***
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Пульс". Хабарлар.
19.25 "Менинг кўчам".
19.45 "Хонадонингиз осойишта бўлсин!"
20.45 — 22.25 "Кинематограф".

**ЎзТВ III**
***17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.***
*
***РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ***
20.45 Телефильм.
20.55 "Аншлаг".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25—23.15 "Мутлақо махфий".

**ЎзТВ IV**
***ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ***
10.00 "Безнен мирас" (татар тилида).
10.40 "Умид" (уйғур тилида).
11.20 — 11.50 Болалар учун фильм. "Эшмат—раҳмдил фаришта".
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мулькарусель".
18.55 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Уммондан томчи".
20.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.50 "Технопарк".
21.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.40 "Таклифлар ва ташрифлар".
22.05 "Деҳқон даладан қайтди".
23.05 "Бу ажиб дунё".
23.05 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

## ЯКШАНБА, 16

**ЎзТВ I**
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Юрт ҳақида қўшиқ".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Сирли сандиқ". Телеўйин (такрор.).
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар".
12.45 "Туркистон — умумий уйимиз". Мусиқий дастур.
13.30 — 14.45 Ғ. Раҳмон. "Синган танбур нидоси". М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят театрининг спектакли.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 "Маҳалламиз болалари".
19.05 "Ойнаи жаҳонда..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Кино ва томошабин".
20.45 "Телеоператор нигоҳида".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 Санъат усталарининг концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
22.35 Эълонлар.
22.40 "Оқсоқ дарвеш". Бадиий фильм.
00.15 — 00.40 "Ҳафтанома".

**ЎзТВ II**
***"ОМАД" таништиради:***
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Янгиликлар.
10.55 Видео янгиликлари.
11.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 — 14.30 "Кинонигоҳ".
***
17.00 "Совға".
17.30 Жаҳон географияси.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "... яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Автосалон".
21.30 "Ҳамма — табассум учун".
22.00 "Америка юлдузлари".
22.30 Эълонлар.
22.35 "Даракчи".
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео — "О".

**ЎзТВ III**
***17.55 — 20.45 "ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.***
*
***РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ***
20.45 "Осойишта уй".
21.25 "Ксюша ҳузурида меҳмонда".
22.00 "Вести".
22.25—00.05 "Шафқатсиз одамлар". Бадиий фильм (АҚШ).

**ЎзТВ IV**
***ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ***
9.00 Аэробика.
9.15 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!" Мультфильм.
9.55 "Менинг кўчам".
10.10 "Эсдалик учун дастхат".
10.40 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.10 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
12.20 — 13.35 "Нокдаун". Бадиий фильм.
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.10 "Бу ажиб дунё".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 "Хорижнинг биринчи элчилари".
21.40 "Сирдошим".
22.15 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.25 "Вариацияли мавзу".
22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
23.00 — 23.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Чилонзор"—"Маданият".

